

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИЕВ БЕХРУЗ СОБИРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА**  
**МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 321.7:323.004.69(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philosophical sciences**

**Турдиев Бехруз Собирович**

Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишида маънавий  
янги ланишлар стратегияси ..... 3

**Турдиев Бехруз Собирович**

Стратегия духовного обновления в развитии демократического  
общества в Узбекистане..... 23

**Turdiyev Bexruz Sobirovich**

Strategy of spiritual renewals in the development of a democratic  
society in Uzbekistan..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИЕВ БЕХРУЗ СОБИРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА**  
**МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fal422 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашев Ибодулла**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саломова Хакима Юсуповна**  
фалсафа фанлари доктори

**Назаров Насриддин Атакулович**  
фалсафа фанлари доктори (DSc)

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "13" июль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Мухаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365)221-29-14; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz Бухоро давлат университети кичик мажлислар зали, 2-қават, 201-хона).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 64 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Мухаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365)221-29-14; факс: (0365)221-29-14.)

Диссертация автореферати 2021 йил "30" июнь кунини тарқатилди.  
(2021 йил "30" июнь даги 4 рақамли реестр баённомаси.)

**Наврўзова Г.Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор



**Шарипов А.З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Саломова Х.Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида демократик тараққиётга эришган мамлакатлар тажрибасида миллий–маънавий барқарорликни таъминлашда маънавий янгиланишлар стратегиясини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Маънавий янгиланишларда умуминсоний демократик принципларнинг эътироф этилишига ва миллий–маънавий фазилатларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашувига муҳим стратегик вазифа сифатида қаралмоқда. Бу эса, маънавий янгиланишлар ғоясининг демократик жамият ривожигаги ўрни, миллий ва умуминсоний принциплар уйғунлигини таъминлашнинг стратегик характерини тадқиқ этиш заруриятини ошириб, демократик жамият тараққиётида маънавий янгиланишлар стратегиясини шакллантириш масалалари мунозарали бўлиб келмоқда.

Жаҳон илм–фанидаги назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маънавий янгиланишлар стратегиясининг қашшоқликка барҳам бериш, саломатлик, таълим, гендер тенглиги, муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш, инновация, тинчлик, адолат ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорликка қаратилган муаммолари бўйича тадқиқотларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Демократик жамият ривожига ва маънавий янгиланишларнинг миллий ҳамда умуминсоний принципларга таяниши, онг ва тафаккур ўзгаришида инсон кўрсаткичлари муҳим мезон эканлиги, миллий–маданий мерос, қадриятлар билан боғлиқ кечиши, миллий манфаатларга асосланиши устуворлиги кўзга ташланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, маънавий янгиланишлар стратегиясининг назарий ва амалий жиҳатларини микдор ва сифат, имконият ва воқеълик сингари фалсафий категориялар асосида илмий тадқиқ этиш ҳозирги замон илм–фанида муҳим концептуал аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда аждодларимиз бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилмоқда. ““Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган концептуал даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий–маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган маънавий янгиланишлар стратегиясини ишлаб чиқишни тадқиқ қилиш муҳим илмий–тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

---

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. //https://president.uz/uz/lists/view/3824

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017–сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора–тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108–сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим–тарбия ва илм–фан соҳаларини ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ–5040–сон “Маънавий–маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 736–сон “Таълим тизимида маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора–тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 11 мартдаги 132–сон “Ёшларни ижтимоий қўллаб–қувватлаш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илм–фанида маънавий янгилашни назариясини ривожлантиришга оид қарашлар Ж. Локк, Д. Юм, Ш.Л. Монтескье<sup>2</sup> илмий меросида, маънавий янгилашнишлар муаммоси Д.С. Гольдберг, А.Г. Орбинати, Т. Пикконе, Э. Миллер, демократик ривожланиш йўллари Ж. Майерс ва К. Виллиард тадқиқотларида акс этган бўлса, Й. Шмид ва П. Сакал жамият ривожланишини тезлаштирадиган омилларни ўрганишган<sup>3</sup>.

МДҲ мамлакатларининг олимларидан М.Н. Гутлин, А.М. Багаутдинов, Э.Ш. Рахматулина кабиларнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли. Айниқса, М.Н. Гутлин давлатчилик барпо этилишида маънавий маданиятнинг ролини тадқиқ этган бўлса, А.М. Багаутдинов ахборотлашган жамиятда маънавиятнинг амбивалентлиги масаласини, Э.Ш. Рахматулина

<sup>2</sup> Locke, John. Delphi Classics. –London, 2017. –3115 p.; Hume, David. Volume IV. Edited by T.H. Green, T.H. Grose. –London: Longman, 1875. –483 p.; Montesquieu. The Spirit of the Laws. Translated and edited by Anne M., Cohler, Basia C., Miller, Harold Stone. –New York: Cambridge University Press, 1989. – 706 p

<sup>3</sup> Goldberg, David S. The intersection of leadership and spirituality: A qualitative study exploring the thinking and behavioral attributes of leaders who identify as spiritual. PhD dissertation. –Cincinnati, Ohio: Union Institute & University, 2016. –126 p.; Orbinati, Albert G. Spirituality and learning: An exploration into the understanding of spirituality in adult education. A Dissertation Presented in Partial Fulfillment of the Requirements for the Degree of Doctor of Philosophy. –Minneapolis, Minnesota: Capella University, 2015. –213 p.; Piccone, Ted, Miller, Ashley. The path to progress? How democratic development drives five rising leader. <https://www.brookings.edu>; Smid J., Sakal P. The Knowledge Accelerating the Society Development. –Bratislava Vol 18, Eds. 29, 2010. –77 p.

рус маънавиятининг ёшларда намоён бўлиш муаммолари ва уларнинг даражаларини тадқиқ этган<sup>4</sup>.

Демократик жамият ривожланишида маънавий янгиланишлар масаласининг адолатли жамият барпо этиш ҳақидаги жиҳатлари Шарқ ва Ғарб тамаддунига йирик ҳисса қўшган алломалар Зардушт, Конфуций, Сукрот, Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд каби мутафаккирларнинг, йирик давлат арбоблари Амир Темур, Алишер Навоий ва Бобурларнинг қарашларида акс этган<sup>5</sup>. Миллий тараққиёт ва маънавий янгиланишларга доир турли қарашлар жаҳид мутафаккирлари Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори асарларида алоҳида мавзу сифатида ўрганилганлигини қайд этиш мумкин<sup>6</sup>.

Мамлакатимизда демократик жамият ривожини ва маънавий янгиланишлар жараёнларининг ўзаро диалектик алоқадорлиги, маънавий ислохотларнинг туб моҳиятини очиқ беришга доир қарашлар М. Қуронон, Н. Жўраев, Қ. Назаров, И. Эргашев, Н. Шермухамедова, А. Эркаев, С. Отамуротовларнинг<sup>7</sup> демократик тараққиёт ва маънавий ривожланишнинг алоқадорлигига оид фикр-мулоҳазалар Ф.Х. Юлдашева, М.Қ. Нормуротова, Р.И. Норлиев, Р.Р. Рўзиева, Ҳ.А. Ахмедов каби тадқиқотчилар илмий ишларида кузатилади<sup>8</sup>.

<sup>4</sup> Гутлин М.Н. Концепция духовного обновления российского общества в социальной философии И.А.Ильин: автореф. дис. ...кандид. философских наук. –Иваново, 2008. –23 с.; Багаутдинов А.М. Амбивалентность духовности в информационном обществе: автореф. дисс. на соискание ученой степени доктора философских наук. – Саратов, 2016. – 42 с.; Рахматуллина Э.Ш. Духовность российской молодежи: социально-философский анализ: автореф. дисс. на соискание ученой степени кандидата филос. наук. –Уфа, 2010. –17 с.

<sup>5</sup> Авесто: тарихий-адабий ёдгорлик (Мухаррир: Жўраев Н.). – Т.: Ғ.Ғулом, 2015. – 686 б.; Конфуций. Ҳикматлар. – Т.: Ўз.Миллий кутубхонаси, 2010. –164 б.; Socrates and philosophy in the dialogues of Plato. Edited by Sandra Peterson. – Cambridge: Cambridge University Press, 2011. – 311 p.; Aristotle. Physics. Edited by Jonathan Barnes). – Princeton: Princeton University Press, 1991. – 28 p.; Aristotle. Rhetoric (Translated by W. Rhys Roberts). Dover Publications. –New York: 2012. –183 p.; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: Янги аср авлоди, 2015.–317 б.; Ибн Сина: Избранные философские произведения. Книга о душе. – М.: Наука, 1980. – 555 с.; Наврузова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Abu matbuot konsalt, 2011. – 24 б.; Темур тузуклари. (Тахрир хайъати: Б.Абдуҳалимов ва б.). – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 184 б.; Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи, 2020. – 384 б.; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 2018. – 432 б.

<sup>6</sup> Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1999. – 280 б.; Фитрат Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари.–Т.:Маънавият, 2000.–112 б.; Авлоний Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ёшлар, 2018. – 97 б.; Абдурашидхонов Мунаввар қори. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003.– 304 б.

<sup>7</sup> Қуронон М. Бетакроримсан, яғонасан, она ватаним, Ўзбекистоним. –Т.: Маънавият, 2015. –160 б.; Жўраев Н. Тамаддунга даъват тараққиёт стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2018. –264 б.; Назаров Қ. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2018. –380 б.; Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. –Т.: Академия, 2000. –112 б.; Шермухамедова Н. Фалсафа. –Т.: Ношир, 2012. –1216 б.; Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. –Т.: Маънавият, 2009. –480 б.; Ҳайдаров А. Ҳаракатлар стратегияси ва маънавий юксалиш. –Т.: Донишманд зиёси, 2020. –496 б.; Отамуротов С., Абдурахмонов М., Ризаев Ш. Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истикболи. –Т.: Академия, 2010. – 253 б.

<sup>8</sup> Юлдашева Ф.Х. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари: фалсафа фанлари буйича фал.докт.(PhD) дисс... автореф...–Т., 2019. –46 б.; Нормуротова М.Қ. Жамият тараққиётидаги маънавий эҳтиёжларнинг фалсафий таҳлили: фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Т., 2011. –126 б.; Норлиев Р.И. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари: фалсафа фанлари номзоди илмий ... ёзилган дис. –Т., 2011. –144 б.; Рўзиева Р.Х. Жамиятнинг маънавий янгиланишида миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари.: фалсафа фанлари номз...илмий .... ёзилган дисс... – Т., 2012. –279 б.; Ахмедов

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон файласуфларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишида маънавий янгиланишлар стратегиясининг асослари тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** демократик жамият ривожидида миллий ва умуминсоний кадрятлар алоқадорлиги, барқарор ривожланиш мақсадларининг ўрнини очиб бериш ҳамда маънавий янгиланишлар стратегиясининг йўналишлари ва тамойилларига оид таклиф–тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“демократия”, “демократик жамият ривожиди”, “маънавий янгиланиш” тушунчаларининг умумметодологик асосларини таҳлил этиш, таърифлаш ва тавсифлаш асосида уларнинг ижтимоий–фалсафий жиҳатдан диалектик алоқадорлигини аниқлаш;

демократик жамият ривожиди, маънавий янгиланишлар генезиси ва динамикасига таъсир кўрсатган фалсафий ғоя ҳамда қарашларнинг эволюциясини қиёсий таҳлил этиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини очиб бериш;

жамият маънавий тараққиётини таъминлаш омиллари ва тамойиллари билан боғлиқ негизларнинг демократик хусусиятларини, бу борадаги ислохотлар самарасини янада ошириш йўллари ва имкониятларини аниқлаш;

демократик жамият ривожланишининг миллий ва умуминсоний принциплари ҳамда қонуниятларини таҳлил қилиш асосида мамлакатимизга хос хусусиятлари борасидаги қарашларни такомиллаштириш;

демократик жамият ривожидида маънавий янгиланишларнинг йўналишларини тадқиқ этиш асосида инсон омилининг маънавий тараққиёт кўрсаткичларида муҳим мезон эканлигини далиллаш;

Ўзбекистоннинг янги қиёфасини шакллантиришга оид туб ислохотлар жараёнида маънавий стратегиясининг йўналишлари ва принципларига доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда маънавий–маърифий соҳадаги ислохотлар ва маънавий янгиланишлар жараёни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** демократик жамият ривожиди ва маънавий янгиланишларга оид қарашлар, назариялар ва концепцияларнинг намоён бўлиш хусусиятларини илмий асослаш билан белгиланади.

---

Х.А. Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикаси (ижтимоий-сиёсий таҳлил): сиёсий фалсафа фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Т., 2018. –223 б.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, ретроспектив, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик ва синергетик каби илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

демократик жамият ривожда маънавий янгиланишлар стратегияси инновацион тараққиёт ва миллий менталитет уйғунлигига боғлиқлиги, иқтисодиёт ва маънавиятни ҳамоҳангликда ривожлантириш зарурияти, универсаллик ва мослашувчанлик хусусиятларининг маънавий юксалиш концепциясининг принципини ташкил этиши инкорни инкор воситаси орқали далилланган;

миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг сифатли таълим, гендер тенглик, қашшоқликни йўқ қилиш, тенгсизликни қисқартириш, соғлом турмуш тарзи, тинчлик, адолат ва коррупцияга мурасасиз муносабат маънавий тараққиёт стратегиясини такомиллаштириш тамойиллари эканлиги хусусийлик ва умумийлик категориялари воситасида асосланган;

демократик онг ва тафаккурнинг ўзгариши, фуқаролик позицияси ва дахлдорлик ҳиссининг юксалиши асосида “инсон ҳамма нарсанинг ўлчови” деган муҳим ғоя жамият ҳаётига сингиб бориши билан диалектик боғлиқлиги очиб берилган;

БМТнинг инсон капитали, тараққиёти ва барқарор ривожланиш тўғрисидаги концепцияларига мос равишда Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг индивидуал қобилиятларини юксалтиришга оид йўналишлари фалсафанинг экзистенциал (ҳамоҳанглик, тўлдирувчанлик) категориялари асосида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маънавий янгиланишлар стратегиясининг амалга оширилиши жараёни натижасида демократик жамият тараққиётини юксалтиришга ижобий таъсир қилиши асосланган;

маънавий янгиланиш жараёнларининг ёш авлодни интеллектуал ва маънавий ривожлантириш омили эканлиги, улар онгида ташаббускорлик, масъулиятлилик, фидойилик ва дахлдорлик ҳиссини шакллантиришнинг зарурий шарти эканлиги асослаб берилган;

мамлакатимизда демократик жамият ривожланиши ва маънавий янгиланишлар тўғрисидаги назарий хулосаларга хизмат қиладиган ва маънавий юксалиш соҳасида методологик қўлланма сифатида фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

демократик жамият ривожда маънавий янгиланишлар стратегиясининг асосий мақсад ва йўналишларини такомиллаштириш борасида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган монография ва илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлари, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий

этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маънавий янгиликларининг миллий ва умуминсоний диалектикасида миллий маданиятнинг таъсирчанлигини ошириш, бағрикенглик ва ҳамжихатлик руҳини қарор топтириш, миллий таълим–тарбия тизимини такомиллаштириш омилларининг аҳамиятини асосланганлиги билан муайян назарий ҳисса қўшиши, янги Ўзбекистон қиёфасини шакллантириш учун маънавий соҳадаги ислоҳотлар самарасини оширишда инсон омилига алоҳида эътибор қаратилишини тадқиқ этувчи назарий–фундаментал тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унинг натижалари асосида берилган таклифлар ва амалий тавсиялардан маънавий янгиликлар демократик тараққиётнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этиш, давлат ва жамият ривожланиши, маънавий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар дунё ҳамжамиятида мамлакатимизнинг муносиб ўринга эга бўлишини таъминлашга қаратилган фаолиятда, аҳоли ўртасида маънавий–маърифий тадбирлар ўтказишда, олий таълим муассасаларида “Маънавиятшунослик”, “Касбий маънавият”, “ТР–менежер” фанларининг мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишида маънавий янгиликлар стратегияси жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

демократик жамият ривожидида маънавий янгиликлар стратегияси тарихийлик ва замонавийлик, очиқлик ва бағрикенглик, универсаллик ва мослашувчанлик хусусиятларга эга эканлигига доир таклиф ва тавсияларидан 44–20/60–рақамли “Бухоро хунармандчилиги дунё нигоҳида” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 89–03–3076–сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий–сиёсий, маданий, маънавий–маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, комил инсоннинг шаклланишида касб–хунар ва хунармандчиликни эгаллашнинг муҳим шарти эканлигини асослашга назарий–методологик манба бўлиб хизмат қилган;

маънавий янгиликлар жамиятнинг ривожланиш мақсадлари, инновацион тараққиёт, халқимизнинг миллий қадриятлари ва аждодларимиз илмий–маънавий меросига таянишига оид таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги Қарор дастурининг 2 боб, 7–банд ижроси “Жамиятда фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши ҳолати, турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини ўрганиш мақсадида “Ижтимоий ривожланиш ва дахлдорлик туйғуси” мавзусидаги

маънавий–маърифий тарғибот тадбирлари дастури сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 27 августдаги 02/07–731–сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда 2017–2021 йилларда Ўзбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари!” шиори остида бунёдкорлик ва ислохотлар мазмун–моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш имконини берган;

демократик онг ва тафаккурнинг ўзгариши, фуқаролик позицияси ва дахлдорлик ҳиссининг юксалиши асосида “инсон ҳамма нарсанинг ўлчови” деган муҳим ғоя жамият ҳаётига сингиб бориши тўғрисидаги таклиф ва хулосалардан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида эфирга узатилган “Ҳаракатлар стратегияси”, “Ислохотлар самараси”, “Кун мавзуси” кўрсатувлари дастур сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 сентябрдаги 1/228–сон маълумотномаси). Натижада маънавий янгиланишлар жараёнида фуқароларнинг тафаккуридаги ўзгаришлар, демократик жамият ривожланишида инсон омили ва манфаатлари устуворлиги тамойилини англашга имкон яратган;

БМТнинг инсон капитали, тараққиёти ва барқарор ривожланиш тўғрисидаги концепцияларига мос равишда Ўзбекистонда ёшларни қўллаб–қувватлаш, уларнинг индивидуал қобилиятларини юксалтиришга оид йўналишларига оид илмий асосланган хулоса, таклиф–тавсиялардан 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб–қувватлаш тўғрисида”ги ПФ–5106–сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилояти Кенгаши томонидан ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидоийлик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантиришга қаратилган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги 04–13/2272–сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда ёшларимиз ўртасида миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавий янгиланишларга дахлдорлик туйғуси сифатларини юксалтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та жумладан, 6 та халқаро ва 10 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (хусусан, 5 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари очиқ берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Демократик жамият ривожи ва маънавий янгиланиш концепцияларини ўрганишнинг назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, унда мавзунинг ўрганишнинг илмий–назарий ва фалсафий жиҳатларига эътибор қаратилади. Тадқиқот ишида **“демократия”, “демократик жамият”,** ва **“маънавий янгиланишлар стратегияси”** тушунчаларининг янгича мазмун-моҳияти тавсифланган. Маънавий янгиланишларга:

1) мамлакатда амал қиладиган ғоявий–мафкуравий асосларнинг тубдан ўзгариши; 2) халқимизнинг миллий–маънавий мероси ва қадриятларининг ҳукумат томонидан эътироф этилиши ва тикланиши; 3) инсонлар онг ва тафаккурининг миллий ғоя негизда янгиланиши; 4) миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлиши ва миллий ўзлигини англаши; 5) халқимиз онгида мустақиллик тафаккурининг шаклланиши; 6) мустақиллик тўғрисида қайғуриш, уни асраб–авайлаш ва ривожлантириш масъулиятининг ортиши; 7) янги кашфиётлар ва миллий-маънавий меросни ўрганиш орқали мустақилликни мустаҳкамлашга дахлдорлик ҳиси, фуқаролик позициясининг шаклланиши билан узвий боғлиқ кўрсаткичлар мажмуидир, деб қараш мумкин.

Миллий тикланиш маънавий янгиланишда муҳим зарурат эканлиги, миллий–маънавий тикланмасдан барқарор тараққиётга эришиб бўлмаслиги исботланган. Диссертацияда демократик жамият ривожи маънавий янгиланишларнинг шарти сифатида талқин этилган ҳамда маънавий янгиланишларни тақозо этувчи шарт-шароит ва омилларга эътибор қаратилиб, мустақиллик ҳамда мустақил тараққиёт йўлига эга бўлиш унинг муҳим талаби эканлиги асосланган.

Маънавий янгиланишларсиз миллий-маънавий тикланиш ва миллий ўзликни англаб бўлмаслиги қонуният сифатида талқин этилган. Мустақиллик шароитида миллий маънавий тикланиш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар миллий юксалиш босқичига эришишнинг қонуний–зарурий босқичи ва стратегик характерга эга эканлиги тадқиқ этилган.

Бу соҳада демократия, демократик жамият ривожланиши ва маънавий янгиланишлар стратегияси тушунчаларининг бир-бири билан узвий, таркибий–функционал боғлиқлиги, унинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Бу борадаги анъанавий қарашлар билан бирга замонавий фалсафий ёндашувларнинг назарий жиҳатлари илмий далилланган.

Жамият тараққиёти йўлида такомиллашиб, кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ахлоқий, ҳуқуқий бурч, масъулият билан боғланган манфаатлар маънавий янгиланишнинг янги йўналишларини вужудга келтиради. Зеро, муайян тараққиётнинг бир босқичидан, иккинчи бир босқичига ўтишда маънавий янгиланишлар жамият тараққиётининг ҳал қилувчи объектини ташкил этади.

Тадқиқотда демократик жамият ривожини, маънавий янгиланишлар тўғрисидаги ғоя ва қарашлар эволюцияси босқичларининг ижтимоий–фалсафий моҳияти ўрганилишида Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг демократия ҳамда маънавий янгиланишлар тўғрисидаги қарашларига фалсафий баҳо берилиб, бугунги фалсафий қарашлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган. Конфуций, Платон ва Аристотелдан бошлаб замонамиз олимларининг асарларида ислохотларни, биринчи навбатда, инсон онгида амалга ошириш лозимлиги таъкидланганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Форобий талқинича, “...ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ – фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир–бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади”<sup>9</sup>. Форобий ижтимоий тараққиёт ва бахт–саодатга маънавий юксалиш, яъни илм ва маърифат асосида шаклланадиган ақлий ва ахлоқий фазилатлар воситасида эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Ибн Сино жамият ва инсон камолотга эришишининг биринчи асосини билимларга эришишда деб кўрсатади. Зеро, илм-фан борлиқ ва инсоният олдидagi ҳаётий қонуниятларни очиб, аниқлик ва юксалишга йўналтирувчи йўл, деб билади. Билим ва маърифат йўлига чиққан инсон, ушбу йўлдаги тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтиши лозимлигини таъкидлайди. Ибн Сино ўз илмий мероси билан инсонларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун доим илм-маърифатни эгаллаш йўлидан боришларини маслаҳат беради: “Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан кўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўрқоғидир”<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри (Масъул муҳаррир: М.Хайруллаев, М.Жакбаров). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 288.

<sup>10</sup> Ибн Сино. Фалсафий қиссалар (Ирисов А.). – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. – Б. 15.

Низомулмулк “Сиёсатнома” асарида: “...давлату дониш ва эзгу расму одат ёруғ шамга ўхшайди. Ва одамлар шу ёруғликда йўлларини топиб, қоронғиликдан чиқадилар”<sup>11</sup>, деган хулосага келади.

Француз маърифатпарвари Вольтер озод ва либерал жамият ғояларидан илҳомланади. Унинг “маърифат лойиҳаси” фароғат тушунчаси билан боғлиқлигини кўрсатиб беради<sup>12</sup>. Ж.Ж. Руссо коррупцион (у ўзини худди шундай жамиятда яшайди деб ҳисоблаган) жамиятни фақатгина фан ва умумий маърифат билан енгиш мумкин, деган хулосага келган<sup>13</sup>. Ш.Л.Монтескье ўз асарларида инсонни фақатгина таълим–тарбия орқали ривожлантириш мумкин, деган ғояни илгари суради<sup>14</sup>.

Жадидчиликнинг моҳияти миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқиш билан мустақилликка эришиш, яъни миллий давлатни барпо этиш мумкинлигини асослашдан иборат бўлган. Бунда уларга “Ҳақ олинур, берилмас” ва “Нажот илми урфонда” шиорлари дастуриламал бўлганлиги очиқ берилган.

Мутафаккирларнинг ижтимоий–фалсафий қарашларнинг турфа хиллиги, улар томонидан илгари сурилган инсонпарварлик, маърифатпарварлик руҳидаги ғояларининг инсон, унинг эркинлиги, манфаатларининг устуворлиги билан боғлиқ қарашларининг ҳозирги кунда демократик жамият ривож ва маънавий янгиланишлар стратегияси билан алоқадорлиги тегишли далиллар асосида исботланган.

Диссертациянинг **“Демократик жамият ривож ва маънавий янгиланишлар соҳасидаги ўзгаришлар”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ амалга оширилаётган ислохотлар демократик жамият ривожланишининг муҳим омили эканлигига янгича ёндашилган. Жамият ривожланишига янгича қараш ва цивилизацион ёндашув орқали, унинг назарий–концептуал масалаларига эътибор қаратилган. Маданиятлар хилма–хиллиги эътироф этилган ҳолда жамият тараққиётига формацион қарашнинг чекланганлиги, унинг салбий оқибатлари танқидий ўрганилган.

Жамият тараққиётида “маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги” тўғрисидаги қарашни демократик ривожланиш ва маънавий янгиланишларнинг муҳим қонунияти эканлиги, унинг муҳим стратегик характери илмий–фалсафий таҳлил этилган. Демократик жамият ривожланиши ва маънавий янгиланишни инсон онги ва тафаккури билан боғлиқлиги “Онги ва тафаккур ўзгармаса, ижтимоий ҳаёт ўзгармайди”, деган муҳим умумназарий–концептуал ғоя сифатида асослаб берилган. Демократик ривожланишнинг миллий ва умуминсоний принциплари уйғунлиги масаласи

<sup>11</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 310.

<sup>12</sup> Felicia Gottmann. The Eighteenth-Century Luxury Debate: The Case of Voltaire. The Eighteenth-Century Luxury Debate: The Case of Voltaire Thesis submitted for the degree of Doctor of Philosophy. University of Oxford, September 2010. –P. 7. //https://ora.ox.ac.uk/

<sup>13</sup> Rousseau, Jean-Jacques. Human nature and history. Edited by John T. Scott. –USA, New–York: Rout ledge Taylor & Francis Group, 2006. –P. 16.

<sup>14</sup> Montesquieu Ch.L. The Spirit of Laws (Thomas Nugent). –Kitchener: Ontario, 2001. –P. 16.

Ўзбекистон тажрибаси мисолида ёритилиб, унинг дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганлиги, демократик жамият ривожланишининг янги босқичида белгиланган стратегик мақсадлар билан муштарак эканлиги аниқлаштирилган.

Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир”<sup>15</sup>.

Муаммони ўрганишда демократиянинг умумий, алоҳида ва хусусий кўринишлари, унинг ўзига хос ва муштарак жиҳатлари Шарқ давлатлари ва Ўзбекистон мисолида асосланган. Маънавий янгиланишлар негизларини ўрганишда, миллий ғоянинг икки негизига таянилади: а) диссертацияда халқнинг миллий–маънавий мероси ва б) умуминсоний демократик кадриятлар принципларининг диалектик алоқадорлиги ҳисобга олинган. Бизнингча, мамлакатимизда маънавий янгиланишлар жараёнини қуйидаги 3 босқичда амалга ошганлигини таъкидлаш жоиз:

1) миллий–маънавий тикланиш босқичи (1991–2000 йиллар);

2) миллий–маънавий барқарорликни таъминлаш босқичи (2001–2016 йиллар);

3) миллий юксалиш босқичи (2017 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади).

Бугунги тараққиёт йўли инсониятнинг оламни англаши, ундан умумбашарий манфаатлари йўлида фойдалана олиши, ҳар бир халқнинг умуминсоният тараққиётига хизмат қилувчи маънавий янгиланишнинг демократик негизлари шаклида намоён бўлмоқда. Ҳозирги кенг қамровли ислохотлар, янгиланиш жараёнлари демократик тафаккурга йўғрилган қарашларни талаб этади.

Ўзбекистон маънавий тараққиётининг бош йўлини бугунги кунда маънавий ислохотлар стратегияси, миллий маънавий салоҳиятининг юксалиши, янгиланишлар тизими ва мазмунининг такомиллашуви, маънавий кадриятларнинг инсон руҳий дунёсидаги ролининг ошиши ташкил этади. Бундай маънавий янгиланишларнинг демократик ютуқларини уларнинг жамият ҳаётига таъсирининг органи, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъатга бўлган эътиборнинг кучайганлиги каби маънавий янгиланишларнинг демократик хусусиятларида стратегик характерга эгаллиги яққол кўзга ташланади. Жумладан, Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”<sup>16</sup> давлатимиз ва жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Маънавий янгиланишларимизнинг демократик асосларини босқичма–босқич рўёбга чиқариш доирасида беш йил давомида мамлакатимизда жорий

<sup>15</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Тасвир, 2020. – Б. 48.

<sup>16</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. –Тошкент: Адолат, 2018. –111 б.

этиладиган давлат дастурлари қабул қилиниб, ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Диссертацияда бу дастурларнинг прагматик ва конструктив характерга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилган ва унинг стратегик моҳияти ёритилган. Бугун маънавий ҳаётимизни янгилаш, уни янада юксалтириш борасида мамлакатимизда ўзига хос демократик тажриба сайқалланиб бораётганлиги далилланган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар амалга татбиқ этилиб, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ”, “Ёшлар–келажагимиз” каби давлат дастурлари, ҳамда “Бешта муҳим ташаббус”, “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси, “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”, “Таълим тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>17</sup> халқимизни янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда долзарб аҳамиятга эга эканлиги очиб берилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари, давлат дастурлари, турли концепцияларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб боришда Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”<sup>18</sup>ги ПҚ–3160-сонли қарори ҳамда 2019 йил 3 майдаги “Маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”<sup>19</sup>ги ПҚ–4307-сонли қарорларининг аҳамияти очиб берилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқишга доир чора–тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши маънавий янгиланишимизнинг демократик негизларида яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида “Миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари” деган улуғ мақсад бош ғоя сифатида миллий стратегик йўлимизни белгилаб беришига диссертацияда алоҳида эътибор қаратилган.

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” концепциясида мамлакатимизнинг янги тараққиёт йўли халқчил ва пухта ишлаб чиқилган бўлиб, бу йўл мамлакатимизни 2030 йилга қадар энг ривожланган

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ–637–сонли 2020 йил 23 сентябрдаги Қонуни // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 24 сентябрь, №202 (7704).

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги 28 июль 2017 йилдаги ПҚ–3160-сонли қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 29 июль, №149, (6843).

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги 3 май 2019 йилдаги ПҚ–4307-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/4320700>.

демократик давлатлар рўйхатидан жой олишига чорлаши ўз ифодасини топган.

Маънавий янгиланишлар стратегияси, аввало, халқимизнинг тарихи, маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини билиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ эканлиги исботланган.

Диссертациянинг учинчи **“Демократик жамият ривожланишида маънавий янгиланишларнинг кўрсаткичлари ва стратегияси”** боби маънавий янгиланишларнинг кўрсаткичлари ва стратегиясини ижтимоий–фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этишга қаратилган. Унда маънавий юксалишларга эришишда инсон тараққиётининг асосий мезонлари, инсон тараққиётидаги ижтимоий–иқтисодий, сиёсий тараққиёт маданий–маънавий, маърифий, руҳий камолотининг ўзгариш ва ривожланиш билан чамбарчарс уйғунлашсагина жамият, давлат ва халқ тараққиёти юксалиб бориши асосланган. Шу сабабли жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар маънавий янгиланишларнинг бурилиш даврларида инсон кўрсаткичларига эътибор берганлиги ўз аксини топган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жамият ҳаётининг барча жабҳалари, биринчи навбатда, инсон омили билан узвий алоқадорлигини таъкидлаб шундай дейди: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади”<sup>20</sup>. Жумладан, инсон омилини юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний шаклланиши давлат ва жамиятнинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги тадқиқ этилганки, бу унинг стратегик аҳамиятини кўрсатади.

Инсон тараққиёти давлат ва жамият маънавий янгиланиш жараёнлари билан узвий алоқадор бўлган ҳодисадир. Инсон тараққиёти миллат, жамият ва давлат юксалишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, шахснинг маънавий камолоти жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, ижтимоий–иқтисодий, сиёсий шарт-шароит ва истиқболли режалар асосида шаклланиши ҳамда амалга оширилишини биламиз. Дастлаб, инсон тараққиёти концепцияси ҳиндистонлик ва покистонлик олимлар томонидан асослаб берилиб, мазкур олимлар инсон тараққиётида соғлиқни сақлаш, таълим даражасини ва иқтисодий ривожланишнинг аҳамиятини ўрганишган<sup>21</sup>. Улар инсоннинг камолотга эришиш учун керак бўлган мезонларни илмий муомалага киритиб, тараққиётнинг инсон омилига боғлиқлигини асослаб беришган.

<sup>20</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Тасвир, 2020. – Б. 41.

<sup>21</sup> Amartya Sen. Identity & Violence: The Illusion of Destiny (Issues of Our Time). W.W.Norton & Company, New York. 2007.–240 p.; Mahbub ul Haq. Reflections on Human Development. Second edition. –Oxford: Oxford university press, 1999. – 324 p.

Ҳозирги кунда инсон тараққиёти масалалари бўйича жаҳондаги БМТ тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон иқтисодий форуми, Халқаро бюджет ҳамкорлиги, ИНСЕАД халқаро бизнес–мактаби ва Economist Intelligence Unit каби халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда намоён бўлиши диссертацияда таъкидланган.

БМТнинг “Барқарор тараққиёт – 2030” дастури янги 17 та Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (БРМ)дан ёки Глобал мақсадлардан ташкил топган бўлиб, кейинги 15 йиллик даврдаги умумжаҳон сиёсати ҳамда сармоялар йўналишларини белгилаб берувчи дастур ҳисобланиши тадқиқот ишида қайд этилган.

Мамлакатимизда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қабул қилинаётган Давлат дастурлари, улардан келиб чиқиб ҳаётга татбиқ этилаётган қонун ва бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар инсон фаровонлигини таъминлашни назарда тутмоқда. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида таъкидлаганидек: “Инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир”<sup>22</sup>.

